

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Р Е Ф Е Р А Т

ТОПШИРДИ:

**10-ТМЖ-16 гуруҳ
талабаси Ҳолиқов Носир**

ҚАБУЛ ҚИЛДИ:

катта ўқитувчи М.Хайдаров

НАМАНГАН – 2016

Мавзу: Сиёсатшунослик мустақил фан сифатида

Режа

1. Сиёсат: тушунча, мазмун моҳияти ва даражалари.
2. Сиёсатшунослик фанининг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва роли.
3. Сиёсатшунослик фанининг предмети, қонунлари, функциялари ва ўрганиш услублари.

Сиёсат ижтимоий ҳодиса, воқелик сифатида жамиятдаги индивидлар, ижтимоий гуруҳ, қатлам, синфларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ифода этади. Сиёсат орқали жамият олдида турган бош, стратегик мақсад-вазифалар ишлаб чиқилади, инсон зотиға муносиб яшаш ва турмуш шароитлари яратилади, мамлакат, ҳудуд, ер юзидаги тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик таъминланади.

Илмий адабиётларда сиёсатга турлича ёндошувлар, хилма-хил таъриф-таснифлар берилган. Булар:

а) сиёсат бу-ижтимоий гуруҳ, қатлам, синфларнинг ўзаро муносабатлари. Уларнинг давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сақлаб қолиш ҳамда ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун олиб бориладиган ижтимоий фаолият, ҳатти-ҳаракат, кураши;

б) сиёсат бу-давлатни бошқариш санъати;

в) сиёсат бу-давлат. Давлатни бошқариш ишларида иштирок этиш. Жамиятдаги турли куч, институтлар фуқаролар, партия, жамоат ташкилотлари, оммавий ҳаракатларни давлатга, ҳокимиятга бўлган муносабати, уларга ўтказиладиган босим, таъсир кўрсатиш жараёнлари;

г) сиёсат бу-жамият аъзоларининг барча-барчаси учун бажарилиши шарт бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

д) сиёсат бу-ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш, тартибга солиш, жамият яхлитлиги, ҳавфсизлигини

таъминлаш, юзага келадиган ихтилоф, келишмовчиликларни олдини олиш, бартараф этиш¹.

Сиёсатнинг бош масаласи-бу давлат ҳокимиятини ташкил этиш масаласидир. Зотан давлат ҳокимияти органларига тегишли, у билан алоқадор ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларга таалукли масала-муаммолар сиёсий тус олади, сиёсий аҳамият касб этади. Сиёсат ўзининг универсаллиги билан ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидан фарқланиб туради. Шунинг учун бўлса керак Аристотель сиёсатни инсон фаолиятининг энг юқори чўққисидир. Зеро одамларнинг ўзаро сиёсий муносабатлари орқали жамиятда ижтимоий адолат қарор топади, бахт-саодат, эзгуликка эришилади² деган эди.

Илмий адабиётларда сиёсатнинг таркибий қисмлари: шакли, мазмун-моҳияти, ҳаракат жароёнлари, асосий элементларига жиддий эътибор қаратилган.

Сиёсатнинг шакл, қиёфаси-бу ундаги барқарорлик, қатъиятлиликни таъминлайдиган, кишилар хулқ-атворини тартибга солиб турадиган ташкилий тузилиши-структурасидир. Ташкилий тизим давлат, партиялар, манфаат гуруҳлари, уюшма, ҳаракатлар, шунинингдек, қонунлар, сиёсий-юримдик нормалардан иборат бўлади.

Сиёсат мазмун-моҳиятини жамият олдида турган муҳим мақсад-вазифаларни аниқлаш, мавжуд муаммолар ечимини хал қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, сиёсий қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ташкил этади.

Сиёсий жароёнлар кўп сонли сиёсат субъектлари-ижтимоий гуруҳлар, ташкилот, уюшма ва индивидларнинг жамиятни ривожлантириш, ўзгартириш борасида олиб борган ўзаро муносабатларида аниқ фаолият, ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Сиёсатнинг таркибий қисмлари элементлари ҳақида сўз кетганда сиёсий қараш, ғоялар, назария, муҳим аҳамиятга молик кўрсатмалар, йўналишлар,

¹ Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию: Учебник для студентов высш.учеб.заведений.-3-е изд., Переб.и доп.-М.:Аспект Пресс, 2000. С. 7-14;

² Аристотель. Политика. М., 1865.С.11.; Аристотель.Соч.: 4 т. Т. М, 1983. С.380.

миллий урф-одатлар, анъаналар, хулқ-атвор намуналари, ижтимоий фикр, махсус сиёсий тил, кишилар руҳияти, давлат, партиялар, ҳаракат ва гуруҳлар, қонунлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа сиёсий, сиёсий-ҳуқуқий нормалар, сиёсий лидер-етакчилар, элита ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Сиёсатнинг таркибий қисми, элементлари билан бир қаторда унинг ўзига хос фаолият кўрсатиш даражаларини ҳам кўрсатиб ўтиш керак бўлади. Улар:

а) микросиёсат-жамиятдаги айрим ташкилотлар: партия, касаба уюшмалари, ёшлар ҳаракати, корхона, фирма, маҳалла ва шунга ўхшаш сиёсат субъектларининг маҳаллий миқёсда амалга ошириладиган сиёсат. Унда ҳам умумдавлат миқёсида олиб бориладиган сиёсатдаги каби алоҳида олинган жамоа олдида турган мақсад-вазифалар белгиланади, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора тadbирлари ишлаб чиқилади, турли масалалар бўйича қарор ва кўрсатмалар қабул қилинади, хизмат лавозимлари, олинган фойда, даромад тақсимланади, маъмурий жазолаш ёки рағбатлантириш татбиқ қилинади, шахс ва гуруҳларнинг ҳокимиятни қўлга киритиш ва ўз манфаатларини қондириш учун ҳаракат, интилишлари амалга оширилади;

б) макросиёсат-бутун давлат миқёсида олиб бориладиган, қабул қилинган қонун, қарорларни бажариш ҳамма, ҳамма учун мажбурий бўлган расмий, очиқ-ошкора сиёсат;

в) мегасиёсат-жаҳон ёки маълум ҳудуд миқёсида халқаро ташкилотлар (БМТ, НАТО, ЕИ, ШАС, ОДКБ ва х.к.) томонидан олиб бориладиган сиёсат.

Сиёсат ички сиёсат ва ташқи сиёсатга бўлинади. Давлатнинг ички сиёсати у ёки бу давлат, ҳукмрон партиянинг мамлакат ичида олиб борадиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги амалий фаолияти, ҳаракат йўналишларини ташкил этади.

Ташқи сиёсат давлат ижтимоий тузуми табиатидан келиб чиқиб унинг хорижий давлатлар, халқлар, партиялар, халқаро ташкилотлар билан турли соҳаларда олиб борадиган муносабатлар йиғиндиси. Мамлакатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати билан узвий боғлиқликда амалга оширилади.

Сиёсат объектив борлиқнинг инкосидир. Унинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам инсон хазрати олийлари бўлиб унинг ҳар бири ва кўпчилик манфаатларини

ифода этувчи давлат, партиялар, меҳнат жамоалари, ташкилотлар, оила каби турли хилдаги уюшма-бирликлар сиёсатнинг субъекти ва объекти бўлиб хизмат қиладилар.

Сиёсат жамиятшуносликнинг катта бир қисми, ҳал қилувчи звеноси сифатида ижтимоий фанлар тизимида ўзининг муносиб ўрни, мавқеига эга. Уни ўрганадиган фан – сиёсатшунослик эса сиёсат ҳақидаги таълимот (юнонча politik-давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда logos-таълимот) деб номланади ва ўз тараққиёти давомида уч босқичли: 1) Аристотель давридан 1861-1865 йилларгача 2) 1865 йилдан иккинчи жаҳон урушигача ва 3) 1945 йилдан ҳозирги кунгача¹ бўлган узоқ ва мураккаб масофани босиб ўтди.

2. Сиёсатшунослик фани. Унинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва роли.

Кишилиқ ақл-заковати, интеллектуал фаолиятининг энг қадимги соҳаларидан бири бўлган сиёсат ҳақидаги ушбу фан асослари, дастлаб, қадимги юнонистонда фалсафанинг таркибий қисми сифатида шаклланган. Ўша пайтларда унинг бош мақсад-вазифаси инсоният жамиятининг ташкил топиши, тузилишининг асосий принципларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Тарихий манбааларнинг гувоҳлик беришича эрамиздан олдинги II-I минг йилликларда сиёсат ҳақидаги тасаввур, қарашлар диний-мифологик характерга эга эди. Уларда ҳокимият ва жамиятнинг келиб чиқиши илоҳий кучлар хоҳиш-иродаси билан изоҳлаб ўтилган. Эрамиздан олдинги I минг йилликлар ўрталарига келиб сиёсатшуносликнинг ҳозирги илмий тушунча-категорияларининг илк шакллари, сўнгра, бир бутун фалсафий таҳлили, сиёсий фикр-қарашлар тизими ишлаб чиқилди.

Аристотельнинг сиёсат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига яна бир бор қайтадиган бўлсак (Платон ва Аристотель сиёсатшунослик фанининг асосчилари ҳисобландилар) сиёсат ҳақидаги фан ҳамма фанларнинг юқорисидир. Чунки у кишиларнинг адолатпарвар қонунлар асосида яшашга ўргатади. Унинг мақсади эзгуликдир².

¹ Федун Л.А. О предмете и методе политологии. Социально-политические науки. Журн. М.1991, № 3, С.65.

² Пугачев В.П. Соловьев А.И. Введение в политологию: с.24.

Алоҳида ижтимоий-сиёсий фан сифатида сиёсатшуносликка бўлган қизиқиш, талаб-эҳтиёжнинг ортиб бориши, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмисидан бошланади. Ҳозирги даврда жаҳон сиёсий фанлар ассоцияси 100 дан ортиқ сиёсий тадқиқотлар институтларини бирлаштиради. Кўпчилик ривожланган Европа мамлакатлари, АҚШда у нафақат олий ўқув юртларида, балки умумтаълим мактабларида ҳам мажбурий фан, предмет сифатида ўқитилади.

Совет Иттифоқида сиёсатшуносликка буржуа фани нуқтаи назаридан ёндошилиб, у таълим тизимида умуман ўқитилган эмас. Мустақиллик шарофати билан ушбу фанни ўқитишга кенг йўл очиб берилди.

1993 йилдан бошлаб политология республикамиз олий ўқув юртларида ўқитила бошланди. Кейинчалик бир қатор университет ва илмий текшириш институтлари қошида ушбу фан бўйича докторлик, номзодлик диссертацияларини ёқлашга ихтисослашган илмий кенгашлар ташкил этилди.

Сиёсатшунослик ҳокимиятни амалга оширувчи ва унга таъсир ўтказувчи давлат, партия ҳамда бошқа сиёсий, носиёсий институтларнинг функционал ҳолат, фаолиятини, жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий режим, шунингдек, инсон ва жамият муносабатларига дахлдор сиёсий воқеа-ҳодисалар, жароёнларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиб улар бўйича тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқади. Фаннинг таъсир доираси булар билангина чекланиб қолмайди. У жамиятнинг моддий-маънавий, географик, демографик соҳалари, кўп қиррали халқлар ва давлатлараро сиёсий-ижтимоий муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Умуман олганда, сиёсатшунослик сиёсий ҳокимият ва унинг амал қилиш қонуниятлари, бошқарувчилар билан бошқарилувчилар, миллатлар ва халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар, сиёсий жароёнлар моҳияти-мазмуни, асосий йўналишлари, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг назарий ва амалий асослари, давлатни бошқариш ҳақидаги таълимот-фандир.

Сиёсатшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлардан ўзига хослиги шундан иборатки у барча ижтимоий воқеа-ҳодисалар, жароёнларни сиёсий ҳокимият билан боғлиқ равишда ўрганади, таҳлил қилади. Г.Лассуэл фикрича сиёсат,

сиёсат ҳақидаги фан тўғрисида сўз юритилганда биринчи навбатда ҳокимият тўғрисидаги таълимот, фан тушунилади¹.

Ўзининг мазмун-моҳиятига кўра сиёсатшунослик сиёсий ҳаётни илмий-назарий таҳлил қиладиган, ўрганадиган яхлит фан ҳисоблансада у сиёсатни алоҳида, нисбатан, мустақил соҳалари: сиёсий фалсафа, сиёсий тарих, сиёсий социология, сиёсий психология, сиёсий антропология, сиёсий география каби қисмларга бўлинади.

Сиёсатшуносликни ўзининг ана шу таркибий қисмлари билан нақадар боғлиқлигини шарҳлаб ўтишни ҳожати йўқ. Буни уларнинг номланишиёқ исботлаб турибди. Лекин бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро алоқадорлиги масалаларига ўқувчи диққат-эътиборини жалб қилиш фойдадан холи эмас.

Ижтимоий ҳаёт, илмий изланишлар тажрибаси шундан гувоҳлик берадики фалсафа деярли барча ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар учун субстанция ролини ўтаган ва ўтайди ҳам. Биз ўрганаётган сиёсат ҳақидаги ушбу фан ҳам тарих илғамас қадим замонлардан тортиб ҳозирги кунгача ўша эски асосидан узоқлашиб кетгани йўқ.

Аслида сиёсатда ўз ифодасини топмайдиган ижтимоий ходиса воқеликни ўзи йўқ. Бироқ унда ижтимоий борлиқнинг энг муҳим томонлари акс этади. Мисол тариқасида ижтимоий бошқарувнинг марказий масаласи, ҳокимиятни амалга ошириш масаласини фалсафий нуқтаи назардан олиб қаралса унда икки томоннинг муносабатларида бири буйруқ берувчи иккинчиси эса буйруқни бажарувчиси бўлиб майдонга чиқади. Шу масалага сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан ёндошиладиган бўлинса у ҳолда фалсафадаги ижтимоий ҳокимият вазифасини сиёсий ҳокимият бажаради. Бунинг фарқи шундан иборатки агар ижтимоий ҳокимият буйруқлари икки томондан (икки одам ёки гуруҳ ва х.к) ижро этилса сиёсий ҳокимият қарорлари барча жамият аъзолари, гуруҳ, қатлам, синф, давлат органлари, партия ва бошқа ташкилотлар учун бажарилиши шарт бўлган фармони олий деб тушунилади. Яни сиёсий ҳокимият

¹ Федун Л.А. О предмете и методе политологии. С.66.

ўрнатилиши билан ижтимоий ҳокимият, бошқарув, сиёсий характер касб этади. Бу ҳақда алоҳида сўз юритамиз.

Одамлар сиёсат билан тўлақонли шуғулланишларидан аввал унумли меҳнат қилишлари, мол-мулкка, яшаш учун қулай шароитларга эга бўлишлари, етарли миқдорда даромад олишлари лозим бўлади. Халқимизнинг “олдин иқтисод кейин-сиёсат” деган мумтоз нақли ҳам шу ҳақиқатга асосланса керак. Дарҳақиқат, иқтисод ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари мураккаб мазмун ва шаклга эга бўлиб, улар диалектик мохиятлидирлар. Давлатлар тарихида ҳеч қачон иқтисод сиёсатнинг аралашувисиз амалга ошмаган. Иқтисод эса сиёсатга моддий пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Ана шу сиёсий, иқтисодий боғлиқлик, алоқадорлик жароёнларини илмий-назарий исботлаш сиёсатшунослик ҳамда иқтисодиёт назарияси фанларининг асосий объекти бўлиб ҳисобланади. Агар иқтисодиёт назарияси фанида жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, товар, пул, молия, кредит, мулкчилик шакллари, халқаро иқтисодий алоқаларга доир масалалар назарий жиҳатдан ўрганилса сиёсатшунослик фани эса иқтисодий сиёсат асосларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмлари ва ҳаёт тажрибасида синаб кўрилган рационал усул ва йўللارни излаб топиш, жамият сиёсий тизими институтларини бу ишларга сафарбар қилиш чора-воситаларини илмий жиҳатдан асослаб беради.

Сиёсатшунослик тарих фани билан ҳам яқин алоқада туради. Уларнинг ҳар иккаласига мос бўлган умумийлик жамиятнинг сиёсий ҳаётида ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни, уларнинг келиб чиқиш даври билан боғлиқ ҳолда ўрганишдан иборат. Ҳар иккала фаннинг умумий жиҳатларини давом эттириш мумкин. Аммо умумийликдан кўра улар олиб бораётган изланишлардаги фарқларни аниқлаб олиш муҳимроқ.

Ҳаёт тажрибаси, илмий кузатишлар шуни кўрсатадики сиёсатшуносликнинг илмий - назарий ҳамда амалий жиҳатлари диалектик бирликда ўз ифодасини топади. Шу жароённи яна ҳам соддароқ қилиб баён этиладиган бўлса, унинг назарий ютуқлари реал амалиётда ўз тасдиғини топади, самарасини беради ва шунинг билан бирга ўзининг илмий методологик заминини мустаҳкамлаб

боради. Тарих фанида эса воқеа-ходисалар, асосан, хронологик тартибда изохланади ва ўрганилаётган тарихий даврнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳолат, вазиятлари билан боғлаган ҳолда баҳоланади, хулосага келинади.

Сиёсатшунослик юқорида кўрсатиб ўтилган фанлардан ташқари социология, психология, ҳуқуқ, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, конфликтология, миллий ғоя ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам ўзаро самарали ҳамкорликда бўлиб уларнинг барчаси бир-бирини тўлдириб, мазмунини бойитиб боради.

3. Сиёсатшунослик фанининг предмети, қонунлари, категориялари, функция ва ўрганиш услублари.

Сиёсатшуносликнинг энг муҳим ўрганиш ва тадқиқот предмети-бу энг аввало давлат, сиёсий ҳокимият ва уларнинг тузилиши, фаолияти; жамият сиёсий ҳаёти ва унинг ҳаракатга келтирувчи сиёсий институтлар; сиёсий жароёнлар ва муносабатлар; сиёсий мафкура ва сиёсий фаолият; партия ва сайлов тизимлари; сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар; сиёсий хулқ-атвор ва сиёсий маданият; сиёсий коммуникация ва оммавий ахборот воситалари; ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти; сиёсий барқарорлик ва сиёсий хавф-хатар; сиёсатнинг диний ва миллий жиҳатлари; ижтимоий ихтилоф-келишмовчиликларнинг сиёсий ечимлари ва бошқалардан иборатдир.

Фаннинг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари унинг қонунлари орқали янада кенгрок очиб берилади. Қонунлар умумбашарий характерга эга бўлиб, уларни кишиларнинг хоҳиш-иродаси билан ўзгартириш мумкин эмас. Улар жамият сиёсий ҳаётининг асосий йўналиш, тенденцияларини аниқлаш, сиёсат субъектлари фаолияти, хатти-ҳаракатларининг рационал услуб тамойилларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллашга хизмат қиладилар.

Сиёсатшунослик фанининг қонунлари ўзларининг амал қилиш қоидаларига кўра учта гуруҳни ташкил қиладилар. Биринчи гуруҳ -бу жамият сиёсий ҳаётини бошқа ижтимоий соҳалар билан ўзаро алоқадорлигини акс эттирувчи қонунлар-иқтисод билан сиёсатнинг диалектик бирлиги; сиёсатни иқтисодий,

ижтимоий, маданий-маънавий соҳаларга ўтказадиган жиддий таъсири; қарорларни қабул қилишда юридик қонунлар устуворлиги;

Иккинчи гуруҳ- бу мамлакат ички сиёсий ҳаётида амал қилинадиган қонунлар-давлат ҳокимиятининг қонун ишлаб чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларга бўлиниши; кўппартиявийлик тизимини ташкил этиш; сиёсий плюрализм принципларига амал қилиш; сиёсий ҳокимият механизмларидан унумли фойдаланиш; сиёсий онг, сиёсий маданиятни шахс хулқ-атвориغا ўтказадиган таъсири;

Учинчи гуруҳ-бу халқаро муносабатлар билан боғлиқ қонунлар-умумбашарий манфаатларни ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф манфаатларидан устуворлиги; бошқа давлат, халқларнинг ички ишларига аралашмаслик; юзага келган халқлараро, давлатлараро ихтилоф, келишмовчиликларни сиёсий йўллар билан ҳал қилиш; бошқа давлатларга нисбатан куч ишлатилмаслик, куч билан таҳдид қилмаслик ва бошқа халқаро сиёсат билан боғлиқ масалалардан иборат бўлади.

Ҳар қандай фан каби сиёсатшунослик ҳам жамиятда ўзига хос функция-вазифаларни бажаради. Булар:

-жамият сиёсий ҳаёти, уни ҳаракатга келтирувчи кучлар-давлат, давлат институтлари, жамоат ташкилотлари фаолиятини ташкил қилиш орқали кишиларда мамлакат, дунё миқёсида кечаётган сиёсий воқеа - ходисалардан хабардор бўлиш, уларга ўз муносабатларини билдириш ва, энг муҳими, ана шу жароёнларда онгли иштирок этиш кўникмаларини шакллантириш, ривожлантиришга йўналтирилган гносеологик, яъни билиш, ўргатиш функцияси;

-жамият аъзоларининг сиёсий билим ва ҳаётий тажрибалари нафақат кундалик ҳаётда қўл келади, балки уларга мамлакат тараққиётининг ҳозирги ҳолати, вазиятидан келиб чиқиб жамият тақдири-келажагини олдиндан кўра олиш, юзага келган ёки келиши мумкин бўлган сиёсий-ижтимоий муаммо-қийинчиликларни бартараф этиш ёки олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш имконини берадиган башорат қилиш функцияси;

-сиёсий тизим институтлари, энг аввало, давлат, парламент, ҳукумат, сиёсий партия ва бошқа ташкилотларнинг жамият бошқарувини амалга оширишдаги амалий фаолиятини илмий-назарий таҳлил қилиш ва бошқарувнинг давр талабларига жавоб бераоладиган рационал услуб, механизмларини ишлаб чиқишга хизмат қиладиган назарий функцияси;

-жамият аъзоларини ўзлигини, фуқаролик ҳисси, бурчини англаши, сиёсий онги, маданияти ва сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий жароёнлар, муносабатларнинг актив иштирокчисига айлантиришга қаратилган социаллашув функциясидан иборатдир.

Сиёсатшуносликнинг кенг тарқалган ва қўлланиладиган назарий – амалий функцияларидан яна бири-бу сайлов ва сайловолди компанияларини ташкил этиш ва ўтказишдан иборатдир. У сайловда иштирок этадиган партиялар, барча бўғинидаги депутатлик, бошқарув лавозимларига тавсия этиладиган номзодларнинг сайловолди дастурларни тузиш, тарғибот-ташвиқот ишларини уюштириш, сайловни ўтказиш муддатини белгилаш, уни тўғри молиялаштириш каби назарий-амалий вазифаларни амалга оширади.

Энг муҳим сиёсий вазифалар қаторига юзага келган ижтимоий низо, можароларни тинч, сиёсий йўллар билан ҳал этиш, шунингдек, ечимини кутаётган муаммо, масалалар бўйича сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жароёнлари киради.

Сиёсий воқеа-ҳодисалар табиати, келиб чиқиш ва ривожланиш қонун-тенденцияларини ўрганиш услубларининг, муҳим турлари қуйидагилардан иборат:

-институтционал услуб - жамиятда қабул қилинган ижтимоий-сиёсий норма ва муносабатлар ижроси ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш кафолатчиси ҳисобланган сиёсий тизим институтлари-давлат, парламент, ҳукумат, партия ва бошқа турли ташкилот, уюшма, ҳаракатлар фаолиятини ўрганиш услуби;

-социологик услуб-турли хилдаги сўров, савол-жавоблар, анкеталар, статистик маълумотлар олиш, тажриба ўтказиш йўли билан жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг сиёсий жиҳатлари; сиёсатнинг ижтимоий,

иқтисодий, маданий-маънавий ва бошқа соҳалар билан ўзаро боғлиқлиги; давлат томонидан қабул қилинаётган қонун, қарорлар қайси ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги белгиловчи услуб;

-антропологик услуб инсон табиати, талаб-эҳтиёжларини қондириш, жамоа бўлиб ҳаёт кечириши заруратидан келиб чиқиб кишини сиёсатга муносабати, унинг руҳияти, интеллекти, миллий характерлари, диний қарашлари ва бошқа инсоний жиҳатлари билан ифодаланишини ўрганиш услуб;

-Бихевиористик (хулқ-атвор) услуб алоҳида олинган шахс ёки гуруҳнинг сиёсатга бўлган муносабати, уларнинг ҳокимият ишларида ўзларини кўрсатишга йўналтирилган хулқ-атворини ўрганиш услуби.

-қиёсий таққослаш услуби икки ёки ундан ортиқ тузилиши ва функциялари бир хил сиёсат объектлари-ҳукумат, партия ва бошқа ташкилот, уюшмалар ўз вазифа-функцияларини қайси йўл, усуллар билан амалга оширишларидаги умумийлик ёки хилма-хилликни таққослаш асосида сиёсий ташкилотчилик ва бошқарувчилик усулларини рационал шаклларини ишлаб чиқиш услуби.

Сиёсатшунослик фанининг юқорида кўрсатиб ўтилган ўрганиш услубларидан ташқари яна бир қанча: тарихий, функционал, системали, коммуникатив, психологик, аксиологик, сиёсий моделлаштириш, субстанционал каби услублари мавжуд.

Сиёсатшуносликнинг барча илмий-назарий ва амалий услубларининг асосий мақсади-бу жамиятда кечаётган сиёсий воқеа-ҳодисалар, жароёнларнинг кечиши ва уларнинг келажаги ҳақида аниқ билим ва холис маълумотларга эга бўлишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Асарлар. 1-жилд. -Т. –“Ўзбекистон”. 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Асарлар. 1-жилд. Т. -“Ўзбекистон”. 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Асарлар. 1-жилд. Т. –“Ўзбекистон”. 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар. 2-жилд. -Т. “Ўзбекистон”. 1996.
5. Эргашев И.И. ва бошқалар. Политология. Ўқув қўлланма. -Т.; Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
6. Пугачёв В.А., Соловьёв А.И. Сиёсатшуносликка кириш. –Т.; Янги аср авлоди, 2004.